

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР – МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МЕЪМОРИ

Рухсора Ходиевна Рузиева

Ўзбекистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада буюк соҳибқирон Амир Темурнинг маънавият ва маърифат меъмори сифатида мамлакатда олиб борган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий йўналишлардаги фаолияти илмий-фалсафий таҳлил қилинади. Маърифатпарвар ҳукмдорнинг оқил мутафаккирлар, забардаст шоирлар, йирик уламоларнинг илм-маърифат йўлидаги фаолиятларига ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳомийлик қилиб, мамлакатда илм-фан равнақ топишида улкан ҳисса қўшганлиги асосланиб, бугунги ёшларимиз тарбиясидаги аҳамияти кўрсатилади.

Калит сўзлар: Амир Темур, маънавий жасорат, “Темур тузуклари”, ЮНЕСКО, маданият, маънавият, фан ва маърифат, маънавий мерос, “Бобурнома”, миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарихий манбалар, обидалар, инсоний фазилятлар, Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Эрон, Ироқ, Озарбай, Ҳиндистон, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз.